



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 14 октябрь, № 215 (7717)

Чоршанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТДА ҲИКМАТ КЎП



Давлатнинг давлатлиги, халқнинг халқлиги қийин пайтларда билинади. Афсуски, 2020 йил жуда оғир келди. Коронавирус балоси, у келтирган ижтимоий-иқтисодий инқироз етмаганидек, бир ҳафта ичида Бухоро ва Сирдарё вилоятларида табиий-техноген офатлар рўй берди.

Президент Шавкат Мирзиёев иккала жойга ҳам зудлик билан етиб бориб, вазиятни ўз назоратига олган эди. “Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди”, деган эди Президент ўшанда.

Аввало, энг катта оғирликни давлатимиз раҳбари ўз зиммасига олди. Талафот оқибатларини бартараф этиб, ҳаётни тиклаш ишларига бош-қош бўлди. Бу эса жабрдийдаларга кучли далда ва мадад бўлиб, бутун халқимиз бирлашди. Кимдир маблаг, кимдир меҳнати билан ёрдамга келди.

Сардоба сув омбори тўғони-нинг ёрилиши оқибатида 2 минг 211 та хонадон ярқочиди ва 2 минг 499 таси таъмирталаб ҳолатга келиб қолган эди. Давлатимиз раҳбари ўшанда бу аҳволни кўриб, вайрон бўлган маҳаллаларни нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки ундан-да яхши қилиш, ҳамма билан ҳавас келадиган масканга айлантиришга ваъда берган эди.

Шу мақсадда учта ҳудуд танланиб, 50 гектар майдонда 86 та 5 қаватли уй-жой барпо этилди. Хусусан, Сардоба тумани Дўстлик маҳалласида 37 та, Мирзаобод тумани Ҳақиқат маҳалласида 40 та ҳамда Навбахор маҳалласида 9 та уй-жой қурилди. Уларда жами 2 минг 640 хонадон бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ушбу бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 13 октябрь кунини яна Сирдарё вилоятига келди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзаобод туманидаги Ҳақиқат маҳалласига ташриф буюрди.

— Сув тошқини жуда катта талафот бўлди. Ҳам фожа оқибатларини бартараф этиш, ҳам қисқа муддатда одамларни рози қилишимиз керак эди. Бунга унча-мунча давлатнинг дош бериши ўзи бўлмайди. Ҳар бир одам билан гаплашдик. Вазирликлар, ҳудудларни жалб қилиб, тежор иш ташкил этилди. Совуқ кунларга қолдирмасдан, оилаларни уй билан таъминлашга эришдик. Энг катта масала — одамларнинг кўнглидаги ғашлик кетди, улар рози бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Илгари бу жойлардаги кўп уйларда табиий газ йўқ эди. Энди газ, сув, электр энергияси ва бошқа коммуникациялар билан

таъминланган. Яна бир муҳим томони — янги уй эгаларининг аввалги ҳовлилари ҳам ўзларида қолди.

Давлатимиз раҳбари ўша қийин кунларда бутун халқимиз жипслашиб ҳаракат қилганига катта эътибор қаратди.

— Бутун мамлакатимиздан мутахассислар келди. Бу ерда Қорақалпоғистон ва ҳар бир вилоятнинг ўз кучаси бор. Бирлашсак, меҳрли бўлсак, кўп ишларни амалга оширишимизга ҳамма инондади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Кўп қаватли уйлар шинам, ҳовлилари обод. Бу маҳалла Янги Ўзбекистон, деб номланган.

— Янги Ўзбекистон дейилганида ҳам маъно бор. Агар халқимизга маъқул бўлса, бундай уйларни бошқа ҳудудларда, аҳоли зич шаҳарларда ҳам қура-миз. Ҳар бир мавзе ёнида иш ўринлари ҳам ташкил этишимиз. Умуман олганда, қуриш ва яшаш маданиятимиз ўзгариши керак, — деди Президент.

Янги мавзеда маҳалла гузари, дўкон, кутубхона, болалар майдончалари барпо этилган. Уйларга хизмат кўрсатувчи сервис компанияси ташкил қилинган.

Тураржойларни эксплуатация қилиш тизимини самарали йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари шундан сўнг Оқолтин туманидаги “Нуррафшон орзу бўстони” фермер ҳўжалиги даласида бўлиб, пахта ҳосилини кўздан кечирди.

Бу гўзаларни етиштиришнинг ўзи бўлгани йўқ. Сардоба сув омбори тошқини қишлоқ ҳўжалигига ҳам катта зарар етказган эди. Хусусан, Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларидаги 20 минг гектарга яқин экин майдонини сув босганди.

Ҳосилни асраб қолш учун кўчма насослар ёрдамида сув қочирилиб, ер култивация ва чопиқ қилинди. Имконсиз жойларда пайкалар бузилиб, қайтадан бошқа экинлар экилди. Қийғос очилган пахта ана шундай машаққатли меҳнат натижасидир.

“Нуррафшон орзу бўстони” фермер ҳўжалиги “Оқолтин АПК” пахта тўқимачилик кластерининг ҳамжори. Шу ерда кластерлар раҳбарлари ва фермерлар билан мулоқот бўлди. Пахтани қайта ишлаб, хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириб, кўшимча қиймат яратиш муҳимлиги таъкидланди.

— Кластер ва манфаатдорлик — Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигининг келажиги. Илм-фан ва инновацияларни жорий этмай туриб, бу соҳани рақобатбардош қилиб бўлмайди, — деди Президент.

Мазкур кластер томонидан 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, Оқолтин туманида йилига 30 минг тонна чигитни қайта ишлаш бўйича қиймати 4 миллион доллар ҳамда 50 минг тонна донни қайта ишлаш бўйича қиймати 5,8 миллион доллар бўлган лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги Янги Тошкент маҳалласини бориб кўрди.

Бу ерда 130 та коттеж таъмирланиб, коммуникация тармоқлари тикланган. Янги маҳалла гузари, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кутубхона, спорт мажмуаси, ички йўллар қурилган.

Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Аҳоли билан суҳбатлашди.

— Бу ерга келганимда вазият жуда ачинарли эди. Бу менинг уйим, жигарларим, фарзандларим, деб юрагимдан ўтказдим. Пул топиш, ташкил қилиш осон бўлгани йўқ. Худого шукр, ҳаммаси ортда қолди. Бу уйлар сизларга буюрсин. Энди бу ободликни асраб, яхши яшаб, яхши тўйлар қилинглар. Узи менинг энг катта мақсадим — ёшларни бахтли кўриш, — деди давлатимиз раҳбари.

Маҳаллада “Нафис либослар” тикувчилик корхонаси ҳам ташкил этилди. Унда 50 нафардан зиёд хотин-қизлар иш бошлади. Президентимиз улар билан суҳбатлашди.

— Хотин-қизларга эътиборни янада кучайтирамиз. Аёлни рози қилосак, жамиятимиз фэйзали бўлади, ҳамма режаларимизни амалга ошира оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корхона келгуси йили тўлиқ қувватга чиққач, йилига 500 минг дона махсулот ишлаб чиқарилади. Уларнинг бир қисмини экспорт қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари оилавий поликлиникага кириб, соғлиқни сақлаш ходимлари билан суҳбатлашди. Тиббиёт билан спорт ҳамохан-

лигини қулайтириб, одамларни соғлом турмуш тарзига одатлантириш, аҳолининг умрини узайтириш масалалари юзасидан сўз юритилди.

— Кўп юриш билан тўғри овқатланиш маданиятини йўлга қўйиб олсак, тиббиётдаги 30 — 40 фоиз масалани ҳал қилган бўламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги тарғиботи кенгайтириш, рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сардоба туманидаги “Сардоба Оқсарой текстиль” корхонаси фаолияти билан танишди.

“Oqsaroy klaster” масъулияти чекланган жамият таркибидagi мазкур корхона йилига 3,5 миллион долларлик тайёр мато ва кийимлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларини 100 фоиз экспорт қилиш мўлжалланган. Туркиядан замонавий тикув машиналари ва энергиятежамкор совитиш тизими келтириб ўрнатилган. Лойиҳанинг биринчи босқичида 500 та иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда фаолият бошлаган хотин-қизларни янги уй ва иш жойлари билан таъминлади.

— Фожа юз берган кунларни баъзи одамларда эртанги кунга ишонч йўқолиб қолган эди. Бугун сизларнинг кўзингизда ишонч учкунларини кўриб турганимдан хурсандман. Аёллар ишласа, кайфияти яхши бўлади. Аёлни кайфияти яхши бўлса, фарзандларининг кайфияти, тарбияси яхши бўлади, оилада, жамиятда муҳит ўзгаради. Шунинг учун хотин-қизларга иш ўринларини кўпайтиришга ҳаракат қиляймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, энгил саноатда кўшимча қиймат “занжири”ни яратиш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари 15 май кунини Сардоба туманида бўлганида Дўстлик маҳалласида янги уйлар қурилишига тамал тоши қўйган эди. Қисқа вақтда бу ерда 1 минг 480 хонадонли 37 та тураржой қуриб битказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу галги ташриф чоғида мазкур замонавий мавзени кўздан кечирди.

Уйлар беш қаватли бўлиб, икки ва уч хонали квартиралардан иборат. Тураржойларни қуришда энер-

гиятежамкор материаллардан фойдаланилган. Янги мавзеда барча коммуникация тармоқлари мавжуд. Маҳалла гузари, болалар майдончалари қурилиб, ҳудуд ободонлаштирилган.

Хонадонлар тайёр ҳолда, тошқиндан жабрланган оилаларга бепул топширилади. Олдин мазкур маҳаллада яшаган Бахтиёр ва Қимматхон Мирзаевлар оиласига ҳам уч хонали квартира ажратилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу хонадонга кириб, шароитларни кўздан кечирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Дўстлик маҳалласида сирдарёлик фаоллар, сув тошқиндан жабрланган одамлар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида вилоят аҳли билан шундай ободликда, ёруғ юз билан кўришиб турганидан хурсандлигини билдирди.

— Охирги беш ойда ҳаммамиз синовдан ўтдик. Ҳамжиҳат бўлиб, матонат, меҳнат билан шароитни тикладик, янги уйлар, йўллар қурилди. Бугун бу ишларни кўриб, албатта, хурсанд бўлдим. Лекин менга энг катта куч, қувонч берган нарса одамларнинг кайфияти бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сардоба сув омбори тўғони уй-жойлар, ижтимоий объектлар ва қишлоқ ҳўжалиги майдонларига катта зарар етказган эди. Ҳукумат комиссияси тузилиб, унинг оқибатларини бартараф этишга барча куч ва воситалар жалб қилинди. Сув босган маҳаллалар аҳолиси хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиниб, бошпана ва озиқ-овқат билан таъминланди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўзаро мувофиқ ҳаракат қилиб, турмуш шароитлари қисқа муддатда тикланди.

Учта янги мавзе барпо этилди. Бошқа ва мактаблар, коллежлар ва соғлиқни сақлаш муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Сув босган ҳудудлар бугун аввалгидек-да яхшиланган, янги қиёфага эга бўлди.

— Халқимиз розилигини биринчи кундан асосий мақсадимиз, ширимиз этиб танлаганимиз. Қийин, лекин шунинг учун ишлая-миз. Сирдарёдаги қурилишлар, ўзгаришлар шу билан чекланиб қолмайди, яна давом этади. Бунинг учун катта марралар белгилаганимиз, — деди Президент.

Учрашувда сув тошқиндан жабр кўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш, уй-жойлар қуриш ва таъмирлаш, аҳоли саломатлигини химоя қилиш, инфратузилма объектларини тиклаш, янги иш жойлари яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтилди.

Мутасадди вазирликлар вилоят фаолларига бу борада бажарилган ишлар ва режалаштирилган лойиҳалар ҳақида тақдимот қилди.

Учрашувда сўзга чиққанлар томонидан юртимизда биронта инсонини, биронта ҳам оилани ҳар қандай фалокат ва муаммо қаршида ёлғиз қолдирмаймиз, барча зарур ёрдамни албатта кўрсатамиз, деган ҳолис, пок ва эзгу ният билан иш олиб борилгани, бунинг самарасида кўзлаган марраларга эришилгани таъкидланди. Хусусан, Президентимиз шахсан бош-қош бўлиб, уй-жойсиз қолган одамларни ёгин-сочинли кунларга қолдирмасдан, бошпана билан таъминлаш учун катта ишлар амалга оширилганини қайт эттиди.

Пандемия шароитига қарама-дан, бугун Сирдарё вилоятида амалга оширилган бекёйс бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг яратувчанлиги руҳи, бизнинг улуг қудратимизни, нималарга қодир эканлигини яна бир бор намоён этди. Бу сирдарёликлар руҳини чексиз шод этиб, эртанги кунга, халқимиз фаровонлигига қаратилган ишохотларга ишончини мустаҳкамлади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига сафарини аяқланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Матназор ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА МУҲБИРБОРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўсимликлар карантин тизимини янги босқичга кўтариш, соҳага илм-фан янгиликлари, халқаро амалиёт ва рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми ва географиясини янада кенгайтириш, уларни етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) тизимидаги Ўсимликлар карантини илмий маркази негизда **Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз, Нукус ва Самарқанд филиалида ҳамда Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар институтида Марказнинг **замонавий лабораторияларга эга бўлган минтақавий филиаллари** ташкил қилинсин.

2. **Куйидагилар** Марказ ва минтақавий филиалларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика ҳудудида катта иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган зарарли организмларнинг фитосанитар хавф таҳлилининг ўтказиш ва улар кириб келишининг олдини олишга қаратилган илмий асосланган фитосанитар чоралар ишлаб чиқиш;

карантиндаги ва бошқа хавфли зарарли организмлар ўчоқларини йўқ қилиш ва улардан халқаро ҳудудларни белгилаш, улар тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш;

карантин объектлари ва ўсимликларнинг бошқа хавфли зарарли организмларини аниқлаш ва улар диагностикасининг экспресс-усулларини ҳамда уларга қарши курашишнинг услубларини ишлаб чиқиш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда аҳолининг кенг қатламни тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган “Хар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажикимиз” ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб оlishга эришилди.

Мазкур дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандчилигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ортирилган тажриба ҳамда халқаро амалиёт комплекс ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи кредит олиш имкониятидан иборат бўлган яхлит тизимни шакллантиришга тақозо этмоқда.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, қамбағалликни қусқارتирish ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микромолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги асосий йўналишлари амалиётга жорий этилсин:

аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишига қизиқиши ва манфаатдорлигини ошириш; аҳолида тадбиркорлик соҳасида зарурий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитиш тизимини жорий этиш, мазкур жараёнга халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларини кенг жалб қилиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган микрокредитлаш тизимини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва ривожлантириш;

аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга оид ижтимоий дастурларни иқтисодиётда амалга оширилаётган ишохотлар билан уйғун ва мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш; тадбиркорлик кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган аҳолини ва бошқа кичик бизнес вакиллари салоҳиятини рўёбга чиқариш орқали улар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган **тўлақоли тизимни** яратиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизимни ташкил этиш ва ягона давлат ташкилоти томонидан амалга оширилишини ва мувофиқлаштириб борилишини йўлга қўйиш;

2. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва барча бўғиндаги ҳокимликлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорликка қизиқишини ва манфаатдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни **ўзларининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиласин.**

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб этган ҳолда аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши, турмуш даражасини яхшилашга интилиши ва манфаатдорлик ҳиссини қулайтиришга қаратилган мотивацион чора-тадбирлар дастурларининг тасдиқлашнинг таъминласин. Бунда муваффақиятли ёш тадбиркорлар ва тажрибали бизнес вакиллари жалб қилишга эътибор қаратилсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

зарарли организмларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларни зарарсизлантиришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва янги турдаги энтомофаглар яратиш;

Инспекция ходимларига, тадбиркорлик субъектларининг агроном ҳамда энтомологларига билим бериш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2021 йил 1 январдан бошлаб:** хусусий сектор томонидан ташкил этилган, акредитациядан ўтган карантин лабораториялари томонидан экспортга юкланаётган мева-сабзавот маҳсулотларига ва бошқа материалларга хулоса беришга рўхсат берилади;

Инспекция томонидан экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг мутахассисларига халқаро стандартлар ва импорт қилувчи давлатларнинг фитосанитар талаблари ҳақида билим бериб бориш бўйича мунтазам равишда махсус ўқув курслари ташкил этилади;

б) **2021 йил 1 апрелдан бошлаб** республика ҳудудига хорижий мамлакатлардан маҳсулотларни олиб кирган транспорт воситалари (самолётлар, темир йўл вагонлари ва контейнерлари, юк автомобилчалари) юкюналарини карантин назоратидан ўтказиш ва "детектор — хизмат ит"ларидан фойдаланиш ҳамда зарур ҳолларда фуқиғация қилиш (зарарсизлантириш) тизими жорий қилинади;

в) **2020 йил 1 ноябрдан бошлаб:** экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига маҳсулотларини хорижий давлатлар фитосанитария талабларига мувофиқлаштириш, тегишли маслаҳатлар ва амалий ёрдам бериш учун ўсимликлар карантини давлат инспекторлари бириктирилади;

ўз ҳудудида аниқланган зарарли организмлар ҳамда фитосанитар дала назоратини ўтказиш тўғрисида Инспекцияга ихтиёрий мурожаат қилган ва уларнинг оқибатларини бартараф этган шахслар маъмурий жавобгарликдан озод қилинади.

4. Қуйидагилар:

2020 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар карантини фаолиятини такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2020-2021 йилларда ташкил этиладиган ўсимликлар клиникалари, биологаториялар ва қадоқлаш цехларининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини марказий аппаратининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекциялар) намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари ходимларининг сони 6-иловага мувофиқ;

автомобиль йўлларидеги, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё порти ва ТИФ постларидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт рўйхати 6а-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

ушбу қарорнинг 1-иловасида белгиланган тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари, Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Инспекция раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига 2020-2021 йилларда ташкил этиладиган ўсимликлар клиникалари, биологаториялар ва қадоқлаш цехларининг ўз вақтида барпо этилиши ҳамда ишга туширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланади.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини қабул қилсин.

Бунда, Марказ "Ўзагрокимёҳимоя" АЖ ҳузурдаги "Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти" МЧКга қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бобур кўчаси, 4-уй манзилида жойлаштирилиши назарда тутилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари ходимларига республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари учун Назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиявий таъминлаш Давлат бюджети маблағлари, грантлар, бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиялаштириш 2020 йилда Давлат бюджетидан Инспекцияга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади ҳамда 2021 йилдан бошлаб бунинг учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағлар кўзда тутилади.

8. Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази ва унинг минтақавий филиалларига бириктирилаётган муассасалар рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ҳар бир муассаса катта иктисодий зарар келтириши мумкин бўлган зарарли организмларнинг фитосанитар ҳаф тухлимини ўтказиш, қириб келишининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича илмий асосланган чоралар ишлаб чиқиш учун мутахассисларни бириктиради.

9. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Инспекция билан биргаликда мазкур қарорга 7-иловада келтирилган муассасалар қрошида уруғлар, ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа материалларни карантин текшируви ва экспертизадан ўтказиш бўйича карантин лабораторияларини ташкил қилсин. Бунда:

Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги илмий лойиҳаларда уларнинг моддий-техника базасини янада такомиллаштиришга маблағлар йўналтирилишини;

Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда илмий-тадқиқот институтлари ва Тошкент давлат аграр университетининг ходимлари лабораторияларга бириктирилишини ҳамда замонавий асбоб-ускуналарда ишлаш кўникмаларини шакллантириш учун хорижий стажировкалар ташкил этилишини таъминласин.

10. Инспекция ва Марказ вазифаларидан келиб чиқиб:

Илмий-тадқиқот институтлари қошидаги карантин лабораториялари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси 8-иловага мувофиқ;

республикадаги биологаториялар ва ўсимликлар клиникаларини тегишли илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари кафедраларига бириктириш ҳадавалари 9 ва 9а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, биологаториялар ва ўсимликлар клиникаларининг фаолиятини ҳар бир ҳудуднинг хусусиятлари ва типроқ-иклим шaroитларидан келиб чиқиб, янги турдаги энтомофагларни қўлайтириш ва маҳсулот етиштирувчидаги хизмат кўрсатиш бўйича инновацион усулларни ишлаб чиқиш, тегишли йўналишлар бўйича хизмат ва амалий кўмак бериш орқали илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари кафедралари мувофиқлаштириб боради.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Инспекциянинг ходимларига қўйиладиган малака талаблари асосида тегишли олий таълим муассасаларида ўтказиладиган 144 соатлик қисқа мuddатли курсларни ишлаб чиқсин ҳамда Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари карантини ташкил йўналишининг ўқув режасини қайта қўриб чиқсин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалида Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари карантини ташкил йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

Инспекциянинг ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги иختисослашган профессионал таълим муассасаларида "Ўсимликлар химюаси лаборанти" ва "Ўсимликлар химюаси ва карантини агрономи" каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.

12. Инспекция:

а) қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин: **икки ой мuddатда** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона химюаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тез бузиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга юкланадиган жойларда зарур инфратузилма яратиш ва ускуналар билан жиҳозлаш бўйича тақлифларни;

2021 йил 1 июлга қадар Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўсимликлар карантини чегара пунктларини республика ҳудудига олиб кирилаётган карантин остидаги маҳсулотларнинг тури бўйича иктисослаштириш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини;

икки ой мuddатда "Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда хусусий сектор томонидан ташкил этилган, акредитациядан ўтган карантин лабораториялари томонидан экспортга юкланаётган мева-маҳсулотларига хулоса бериш тартибини;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **Ўсимликлар карантини ва химюаси бўйича Халқаро конвенция** котибяти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда 2020 — 2022 йилларда соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка босқичма-босқич уйғунлаштириш чораларини кўрсин;

в) **2021 йил 1 январга қадар** Давлат божхона қўмитаси ҳамда Аxbотот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **"e-Fitouz"** автоматлаштирилган аxbотот тизимини "Ягона дарча" божхона аxbототлаштирилган тизимига интеграция қилиш ишларини тўлиқ якунласин. Бунда:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Гидрометеорология хизмати маркази тегишли равишда ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари етиштириладиган фермер ва деҳқон хўжаликлари, бог-тоқзорлар, аҳоли томоққалари, об-ҳаво тўғрисидаги маълумотлар Инспекциянинг "e-Fitouz" автоматлаштирилган аxbотот тизимига мунтазам киритилиши учун уларни доимий равишда тақдим этиб бoрсин;

Аxbотот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 декабрга қадар "e-Fitouz" автоматлаштирилган аxbотот тизими базасида "даладан экспортгача" бўлган занжирни** қамраб олувчи тизимни яратсин ва ишга туширсин;

карантиндаги ва экспортга салбий таъсир этувчи бошқа хавфли зарарли организмлар тарқалган ҳамда улардан ҳоли бўлган ҳудудларнинг электрон хариталари юритилишини жорий қилсин;

"даладан экспортгача" бўлган занжирда **"бар-код" тизимини** ишлаб чиқиш бўйича амалий чораларни кўрсин.

13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Марказ ва унинг минтақавий филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари ва Тошкент давлат аграр университетининг карантин лабораториялари барча зарур лаборатория ускуналари ва техник воситалар билан жиҳозланиши учун **икки ой мuddатда 50 миллион АҚШ доллари миқдордаги грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин**;

14. "Ўзстандарт" агентлиги карантин лабораториялари фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш мақсадида Конвенциянинг лаборатория диагностикаси йўналишидаги стандартлари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

15. Кадастр агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Навоий ва Қашқадарь вилояти ҳокимлиларининг 10-иловага мувофиқ биноларни ҳудудий инспекцияларга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Бунда, "Ўзпахтасаноат" АЖ тизимидаги ташкилотларга тегишли бинолар қайта баҳоланган бозор қийматида Молия вазирлиги ҳузурдаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Давлат бюджети олдидаги мавжуд қарздорликларни қисқартириш ҳисобига берилиши белгилансин.

16. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) **Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев бир hafta мuddатда** ташкилий йиғилиш ўтказиб, масъул вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг вазифаларини аниқ белгилаб берсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ҳудудлар кесимида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг тасдиқланишини таъминласин;

б) **Инспекция (Ўргашев):**

икки ой мuddатда экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига **ўсимликлар карантини давлат инспекторлари бириктирилишини** таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди мазкур бандда келтирилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоли йтироклини таъминласин.

Ёшлар ишлари агентлиги аҳолига ўзининг турмушини яхшилаш, касб-ҳунар ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган **"қоучнинг" видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар тайёрлаш** учун танлов асосида икхтимодий бурюмларга жойлаштирилади.

3. **2020 йил 15 ноябрдан бошлаб** ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар ва белгиланган талаблар асосида ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг **70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан** ортиқ бўлмаган миқдори давлат томонидан компенсация қилинади;

касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари кўрсатилган муваффақиятли тамомлаш, уларнинг сертификатини (кейинги ўринларда — махсус сертификат) олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ микрокредит ажратилади.

4. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби билан биргаликда:

2020 йил 15 ноябрдан бошлаб аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотлари электрон реестрини шакллантириб бoрсин ва унинг ошқоралигини таъминласин;

2022 йил 1 январдан хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда халқаро стандартлар, шу жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тадбиркорликка ўқитиш дастурлари ва тизими асосида **Тадбиркорликка ўқитишнинг ягона тизимини** ишга туширсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра "Микрокредитбанк" АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари **махсус сертификатини олган:**

тадбиркорлик ташаббусларга эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун **33 миллион** сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;

микрофирма ва кичик қорхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс қафиллиги, сўғурта полислари, кредит жисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гаровини, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида **225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади.**

Бунда микрокредитлар 3 йил мuddатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади.

6. **Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси** ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни молиявий маъна билан таъминлаш мақсадларига **100 миллион АҚШ доллари** эквивалентини маъна ажратсин. Ушбу маблағларнинг:

9 миллион АҚШ доллари эквиваленти Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи хатбосида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун бeғараз асосда;

1 миллион АҚШ доллари эквиваленти Ёшлар ишлари агентлигига мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун бeғараз асосда;

90 миллион АҚШ доллари эквиваленти махсус сертификатни олган ёшларга (жами 45 миллион доллар) ва хотин-қизларга (жами 45 миллион доллар) кредитлар ажратиш учун "Микрокредитбанк" АТБга 7 йил мuddатга 3 йил имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасининг 4 фоиз бандга паст фоиз ставкасида йўналтирилсин.

"Микрокредитбанк" АТБ ушбу маблағларни мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган янгича тартибда микрокредитлаш мақсадларига йўналтирсин.

7. Белгилансинки, 2022 йил 1 июлдан бошлаб "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Ёшлар — келажагимиз" ва бошқа оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида давлат мақсадли ресурслари ҳисобидан кредитлар "Микрокредитбанк" АТБ томонидан тадбиркорлик йўналиши бўйича тегишли ўқув курсларини тамомлаган шахсларга ягона микрокредитлаш дастури асосида ажратилади.

8. "Микрокредитбанк" АТБ:

2021 йил давомида республиканинг барча туман ва шаҳарларда, шу жумладан, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этисин;

ўзи операторлик вазифасини бажарувчи Микромолиялаш миллий тизимини яратиш ва унда бошқа кредит ташкилотларининг манфаатдорлиги асосида иштирок этишини таъминловчи тизим жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин;

банкнинг қўйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш ва миқозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини жорий қилсин. Бунда соҳада муваффақиятга эришган ва халқаро тан олинган хорижий молия институтларида ходимларнинг малака ошириши ва таъриба алмашишни ташкиллаганирсин;

махсус сертификат олган шахслар тўғрисида маълумот алмаштиш мақсадида микрокредитлаш дастурларида иштирок этётган касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан узаро электрон аxbотот алмашинуви тизимини йўлга қўйсин.

Молия вазирлиги "Микрокредитбанк" АТБ бошқаруви таркибига икхтимодий йўналтирилган микрокредитлаш соҳасида етарли таърибага эга бўлган хорижий малакали мутахассисларнинг жалб қилинишини таъминласин.

9. Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги 2021 йилнинг 1 январига қадар "Микрокредитбанк" АТБнинг аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича **янги бизнес моделини ишлаб чиқсин ва унда қуйидагиларга эътибор қаратсин:**

микрокредит олиб кейинчалик барқарор тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтирган ёки камбағаллик рўйхатидан чиққан миқозлар сони ва улущи ошиб боришини банк фаолияти самардорлигининг асосий кўрсаткичларидан (КР) бири сифатида белгиласин;

микрокредитлаш дастурлари доирасида касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда **микрокредитлаш мақсадларида аҳолини молиявий саводхонлик ўқитишни ташкил этиш;**

микрокредит олган тадбиркорлар фаолиятини доимий кузатиб бориш ҳамда уларга маслаҳат ва кўмак бериш институтини шакллантирсин;

банк миқозлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун харидорлар топиш ва бозорларни кенгайтиришга кўмаклашсин.

10. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги мазкур қарорда аҳолини тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида келтирилган механизмлар, хусусан, уларни ўқитиш, микрокредит ажратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш борасида **ваколатли давлат органи этиб белгилансин.** Бунда Агентлик:

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда аҳоли ва тадбиркорларни тадбиркорликка ўқитиш бўйича ишларни ташкил этади, мувофиқлаштиради ва бу борада ягона тизимни шакллантиради;

2020 йил якунига қадар экспорт қилинадиган маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун халқаро фитосанитария сертификати берилиши, улар етиштирилган дала, бог ва томоққалар назорати натижасида бериладиган **ички фитосанитария сертификатини** жорий қилиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда **2021 йил якунига қадар** кўчкестерлар ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида биофабрика ташкил қилиш, уларда янги инновацион технологиялар асосида энтомофагларни қўлайитириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

2021 йил 1 январдан бошлаб Марказда экспортбop маҳсулот етиштирувчи, тайёрловчи, саралов

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ТАКТИКАСИ

Жамиятимизда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш учун биринчи галда уларга малака бериш, бандлигини таъминлаш зарур. Бу вазифани самарали ҳамда сифатли бажармасдан аёллар ва ёшлар манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий масалаларни тизимли ҳал этиш имкони бўлмайди. 8 октябрь кун Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши шу жиҳатдан гоят аҳамиятлидир.

Мулоҳаза

Кейинги йиллар давомида мазкур икки йўналиш бўйича давлат сиёсатини марказдан маҳалла даражасигача юри-тадиган вертикал тизим жорий қилинди. Ёшлар масалалари ҳар бир туманда ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар масалалари бўйича эса ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари масъул этиб белгиланди. Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари "бундан кейин одамларнинг уйига бориб, ишга муҳтожларни ишга жойлаштириш тизимини яратилиши керак"лигини таъкидлади.

Демак, маҳаллаларга яратилган тизим энди қўллаб-қувватлашга муҳтож аёллар ва ёшлар истикомат қиладиган оилаларга кириб бориши бўйича янги иш тартиби белгиланди. Маҳалла, туман, шаҳар ҳамда вилоят кесимида "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" шакллантирилди.

Дафтари раҳбарлари, сектор раҳбарлари, мутасадди ташкилотлар ёшлар ва аёллар масалаларида ҳар бир ҳудудда ҳолат қандайлиги ҳақида аниқ маълум-

отта эга бўлиш, шунга қараб чора-тадбир белгилаш учун жуда зарур. Чунки ҳамма раҳбарлар ҳам ўзи масъул бўлган ҳудудда қанча ёш исси, яна қанча аёл хунарсиз эканини билвермайди.

Пандемия муносабати билан мамлакатимизда карантин чоралари қўйилган, эҳтиёжманд оилаларни маънавий қўллаб-қувватлаш зарурати ошган вақтда Президент ташаббуси билан жорий этилган "темир дафтар"лар иш берди, давлат ёрдамини йўналтириб туриш, ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш учун асос бўлди, катта натижа берди. Хозирги кунда "темир дафтар"лар оилаларни камбағалликдан чиқариш ишларини режалаш ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда. Ёшлар ва аёллар дафтари ҳам касб-хуна ўргатиш, бандлигини таъминлашда манзилли ёндашувни қўлайтиришга хизмат қилади.

"Ёшлар дафтари"га 18 — 30 ёшгача

бўлган йигит қизлар киритилса, "аёллар дафтари"дан 30 ёшдан ошган аёллар жой олади. Рўйхатни шакллантиришда ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ҳамда иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилади.

Дунёда иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат муносабатлари тез ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш, айниқса, хизмат кўрсатишда қисқа вақтда янгидан-янги тармоқлар пайдо бўлмоқда, олий маълумотлилик ҳақидаги ҳужжати кўпайтирилган янги даромад олиш, ўзини ўзи банд қилиш имкониятлари кенгаймоқда. Мамлакатимизда тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларига йўл очилиши натижасида диплом эмас, муайян малака талаб этакдиган замонавий иш ўринлари очилмоқда. Бундай вазиятда ишлашга иштиёқманд ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш муҳим. Ҳуна ўрганган, ишла бўлган кишилар жамият ҳаётига тез киришиб кетади, кейинчалик ислаҳлари мосу имкониятларни қидириб топиб қўйишга қўйишди.

Президентимиз шунинг учун бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, "Ижтимоий шартнома" тажрибасини кенг қўллаш бўйича вазифа ҳамда йўналишлар ҳамда аёллар дафтари ҳамда касб-хуна ўргатиш, бандлигини таъминлашда манзилли ёндашувни қўлайтиришга хизмат қилади. Энди давлат мана шу бошланғич даврда ёшлар, аёл-

ларга моддий ва ижтимоий қўмак кўрсатади. Ақратилдиган маблаг айна вақтда меҳнат бозорига талаб юқори бўлиб турган касб-хуналарга тайёрловчи ми-гдан зиёд нодавлат касб-хуна таълими марказлари фаолияти изчил йўлга қўйилишига хизмат қилади.

Бу вазифаларни бажариш бўйича манбалар ҳам аниқ белгиланди. Тиланиш ва тараққиёт жағфармасидан 100 миллион доллар миқдориди маблаг йўналтирилади. Шунинг 10 миллиони касб-хунага ўқитишга, 90 миллиони эса ўқув курсларини тамомлаб, сертификат олганларга имтиёзли кредитлар ажратиш учун сарфланади. "Ижтимоий шартнома" орқали нодавлат касб-хуна ўқув курсларини битирдиган ёшлар ва аёлларга таълим харажатлари учун 1 миллион сўмгача субсидия берилади.

Шу тариха қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар ва аёллар хуна ўрганиб, ишла бўлса, кейин ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишга қийналмайд.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим, касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ҳамда хотин-қизларни жамиятнинг фаол қатламига қўйиш, ҳудудларда камбағалликка қарши курашиш бўйича янги механизмни белгилаб берди. Энг асосий масала мазкур меҳа-

низми самарали ишлатилишига боғлиқ. Бу борада нафақат маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар, шу билан бирга, парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолият кўрсатиши талаб этилади. Субсидия ҳамда бошқа маблаглар мақсадли йўналтирилиши, хуна ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи борлар тўлиқ ўрганилиши жуда муҳим. Мана шу жараёнда депутатлар фаолият кўрсатса, ҳаммани масъулиятли бўлишга ундаса, аҳоли билан яқин муносабат, мулоқот муҳити ўрнатилди. Одамларнинг ислохотларга ҳамда ўз имкониятларига ишончи ошади. Жамиятда ижтимоий-иқтисодий фаол қатламни қўлайтириш жараёнларига катта ҳисса қўшилди. Бу, ўз навбатида, ҳудудларда депутатларнинг позицияси мустақамланишига шароит яратди.

Умуман, ушбу йўналишдаги ислохотлар тактикаси партиямизнинг бош мақсадига тўла мос келади. Шунинг учун ҳар бир партия ташкилоти ва депутатлик бирашларини аниқ натижа, электрот манфаатлари йўлида қатъият кўрсатиши учун режаларини белгилаб олмақда.

Ўлугбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари,
ЎзХДП фракцияси раҳбари.

Фикр

БУ ШУНДАЙ ДАФТАРКИ...

У ЁШЛАР ВА АЁЛЛАРНИНГ ҚАТЪИЯТИ ВА МАҚСАДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРАДИ

Янгиланаётган ва яшараётган Ўзбекистоннинг муҳим таянчи, бу ёшларимиз ва хотин-қизларимиз ҳисобланади. Биз уйғониш даври остонасига қадам қўяётган, янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини юксалтиришга интилаётган эканмиз, бу сайъ-ҳаракатларимизни ижтимоий фаол, ўз қўлига ишонган, ҳар томонлама барқарор ёшлар ҳамда аёлларсиз тасаввур қила олмаймиз.

Аmmo тан олишимиз керак, ишсиз, хунарсиз, ҳатто, ақсаланиб қолган, оддий айтганда, уюлмаган ёшлар, аёллар қатлами ҳам мавжудки, уларни четга суриб қўйиб, олдимизга қўйилган олижаноб мақсадларимизга эриша олмаймиз.

Ҳўш, уларни қайси жиҳатлари билан бошқаларидан фарқлай оламиз? Қандай қилсак, бундай фуқароларимизни ижтимоий фаол, ўз позицияси ҳамда мақсадлари сари дадил қадам ташлаётганлар сафига қўша оламиз?

Президентимиз раислигида 8 октябрь кун ўтказилган видеоселектор йиғилишида айнан шу муаммолар таҳлил қилинди ва бу борада мутлақо янги тизим яратилиши хусусида фикр юритилди.

Эндиликда "темир дафтар"дан фарқли ўларок, "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" шакллантирилди. Бундай дафтари билан қўллаб-қувватлаш мақсад ёшлар ҳамда аёлларни фақат билимли, хунарли, касбли ва ишла қилишдангина иборат эмас, балки уларда мотивация уйғотиш, яъни эртанги кунга ишонч, яшашга иштиёқ ҳамда юртга муҳаббатни шакллантиришдан иборатдир. Бунинг замирида ватанпарварликдек улуг туйғу мурасам.

Видеоселекторда мутасаддиларга ушбу тизимнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиш ва мамлакатимиздаги 28 та ҳудудда синодад ўтказиш вазифаси юклатилди. Бинобарин, бу масала Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини ҳам фаолиятка ундамоқда. Қолаверса, партиямиз дастурида ҳам ёшлар ҳамда хотин-қизлар масаласига катта эътибор қаратилган. Айниқса, касаначиликни ривожлантириш, уй меҳнати билан маш-

ғул бўлган аёлларга шарт-шароитлар яратиш, яқка тартибдаги тадбиркор ва кичик бизнесни ривожлантириш асосий мақсадларимиздан қилиб белгиланган.

Халқ вакили сифатида ҳудудларга борганимизда, сайловчилар билан юзма-юз учрашганимизда юрагини очибга йиманиб, тортиниб турган, ўз муаммоларини яшираётган кўлаб аёлларга дуч келамиз. Баъзи ёшлар эса муаммоси хал бўлмагани учун ёлғиз ўзи, ҳеч қимдан маслаҳат ёки маддат кутмасдан ҳаракат қилишни афзал билади ёки хорижга чиқиб кетмасам бу ерда иш топа олмайман, деб ўйлайди.

Фақат тирикчилик учун етадиган даромад топаётган ана шундай ёшлар орасида иқтидорлилари, олашмуул кашфиётлар яратишга қодирлари жуда кўп. Шу боис "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" шакллантирилаётганда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Видеоселекторда айтилганидек, бундай ёшлар ва аёлларда мотивация уйғотиш учун ўз меҳнати, иродаси боис катта ютуқларга эришган машхур шахслар билан учрашувлар ташкил этилса, чет тили, касб-хуна ҳамда бизнесга ўргатадиган аудио ва видео материаллар тайёрлаб тарқатиш йўлга қўйилса, назаримда бу янги самара беради.

Ишонимизки, ёшлар, аёллар билан боғлиқ масалалар долзарблигини йўқотмайди ва бу, биз, депутатлардан фаол, ташаббускор ҳамда чуқур билим ва салоҳият билан иш олиб боришни тақозо этади.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Кулайлик

«ТАДБИРКОРЛАР УЙИ» КЎМАККА ТАЙЁР

Фаргона шаҳрида "Тадбиркорлар уйи" фаолият бошлади. Уни ташкил этишдан асосий мақсад ҳар бир тадбиркор мурожаатини белгиланган меъёрлар асосида тезкорлик билан ижобий ҳал қилиш, тадбиркорга қўмакчи ва суянч бўлишдан иборат.

Бу ерда тадбиркорнинг барча масаласи ўз ечимини топиши учун тижорат банклари, давлат хизматлари маркази, қурилиш, архитектура ҳамда бошқа барча масъул идораларнинг ҳодимлари жойлашган.

"Тадбиркорлар уйи" фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиб бориш мақсадида унинг Телеграм канални, ижтимоий тармоқларда махсус саҳифаси очилди, тадбиркорлар учун онлайн мурожаат қилиш имконияти ҳам яратилди.



У.А. Сурақчи.

«Халқ сўзи».

ЖАҲОН БАНКИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ДИРЕКТОРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Лилия Бурунчук билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик

Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида эканлиги қайд этилди. Жаҳон банки Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини қўлайтириш мақсадида бундан бунён ҳам тавсиялар ва молиявий ресурслар тақдим этишга тайёрлиги билдирди.

Учрашув давомида, шунингдек, пахта теримида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича Ўзбекистон томонидан қўрилган чоралар, гендер тенглик масалалари ва пандемиянинг иқтисодий оқибатларини янада юмшатишнинг долзарб жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Лилия Бурунчук Ўзбекистон раҳбариятининг мажбурий меҳ-

лаётган дунёдаги кам сонли мамлакатлардан бири эканлиги ва бу юртимизда кейинги йилларда амалга оширилган чуқур ижтимоий-сиёсий ислохотлар натижасида эканлиги қайд этилди. Жаҳон банки Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини қўлайтириш мақсадида бундан бунён ҳам тавсиялар ва молиявий ресурслар тақдим этишга тайёрлиги билдирди.

Учрашув давомида, шунингдек, пахта теримида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича Ўзбекистон томонидан қўрилган чоралар, гендер тенглик масалалари ва пандемиянинг иқтисодий оқибатларини янада юмшатишнинг долзарб жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Лилия Бурунчук Ўзбекистон раҳбариятининг мажбурий меҳ-

лаётган дунёдаги кам сонли мамлакатлардан бири эканлиги ва бу юртимизда кейинги йилларда амалга оширилган чуқур ижтимоий-сиёсий ислохотлар натижасида эканлиги қайд этилди. Жаҳон банки Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини қўлайтириш мақсадида бундан бунён ҳам тавсиялар ва молиявий ресурслар тақдим этишга тайёрлиги билдирди.

СТРАТЕГИК АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛанади

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Солиқ Сафоев Бутунхитой халқ вакиллари йиғилиши Доимий қўмитаси Раисининг ўринбосари, Хитой Коммунист партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси Ван Чэн билан видеоконференцалоқа форматида суҳбат ўтказди.

Унда Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, жумладан, парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатида янги раҳна қўлиб, фаол ҳамда жадал ривожланмоқда, бу эса ҳар икки давлатнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадлари муштараклигидан диалог беради. Мамлакатларимиз аънавий дўстлигини қадрлайди, уни кенгайтириш учун самарали чоралар қўймоқда, дея таъкидланди суҳбат жараёнида.

Томонлар эпидемиологик вазият мурраккабланига қарамай, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида юксак даражада мунтазам сиёсий мулоқот давом этаётганлигини таъкидладилар.

Бутунхитой халқ вакиллари йиғилиши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари Ван Чэн Президент Шавкат Мирзиёевнинг

лакат қонун чиқарувчи органлари ўртасида ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида катта таъриба тўплагани ва яқин ҳамкорлик ўрнатилгани алоҳида эътироф этилди. Учрашувда Хитой томони ҳар икки давлат минтақавий ҳамда халқаро даражада муҳим ҳисобланган қўллаб-қувватлаш бўйича яқин ва бир-бирига мос нуқтаи назарга эга эканлигини таъкидлади. Халқаро ташкилотлар, жумладан, Парламентлараро Иттифок доирасида юксак даражада амалий ҳамкорлик олиб борилаётгани қайд этилди.

Учрашувда Бутунхитой халқ вакиллари йиғилиши Доимий қўмитаси раиси Ли Чаншунининг Ўзбекистонга таърифини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада қўлайтиришга яқдиллик билан таъкидланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт, савдо, саноат, транспорт, қурилиш, фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликни ривожланишига янги рағбат бериши, шубҳасиз.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг бошқа жиҳатларига ҳам эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

ОХАНГАРОНДАГИ СУСТАКШИКЛАРНИНГ САБАБИ НИМАДА?

Худудларнинг иқтисодиётини барқарорлаштириш бевоасита кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожига боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис ҳам мамлакатимиз раҳбари шу йил 24 сентябрда бўлиб ўтган худудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида шу масала ечимига алоҳида эътибор қаратди. Йиғилишда соҳани ривожлантиришга йўналтирилган Президент Фармони ва қарорларининг ижроси қаерда суст бўлса, ўша ерда тараққиёт ортада қолаётгани таъкидланди.

Сессия

Дарҳақиқат, қаердаки корхоналар очил, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, сифатли, айна пайтда экспорт боғ маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари ишчанлиги етишмаётган бўлса, айнан шу жойда оқоқлик кузатишмоқда. Хусусан, Охангарон туманида катта имкониятлар бўла туриб, улардан самарали фойдаланиш, соҳаларни ривожлантириш, айниқса, саноатни, чорвачиликни тараққиёт этириш борасида сустлашқиларга йўл қўйилаётди.

Бу ҳақда яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ишчи гуруҳи иштирокетида ўтказилган халқ депутатлари Охангарон тумани Кенгаши сессиясида ҳам айтиб ўтилди. — Жамиятдаги ислохотлар, жойларда депутат, тадбиркор ва соҳа мута-

Лекин мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаган. Айнан шу жиҳатлар тўғрисида туман барча соҳада паст қўрсаткичи қайд этилган. Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида ушбу муаммо ва камчиликлар таъкидлаб таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш йўл-йўриқлари атрофида муҳокама қилинди. Сессия қатнашчилари тақдир ҳамда ташаббуси асосида келгусида туманда умумий қиймати 8,3 триллион сўмлик 297 та лойиҳа шакллантирилади. 475 миң АКШ доллари миқдориди хорижий сармоияни 60 фоиз зотиёлаштириш хисобига 11 миңдан зиёд янги иш ўринлари очилади. Демак, шунча аҳолининг бандлиги таъминланади ва даромад манбаи яратилади, турмуши яқшиланади.

Шу ўринда туман нима учун "қоникарсиз" худудлар рўйхатида тушиб қолганини айрим кўрсаткичлар мисолида таҳлил қилсак. Масалан, туманда ишлаб чиқарилган ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажми аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда 1 983,5 миң сўмни ташкил этган, холос. Вақоланки, бу вилотат қўрсаткичидан 1,7 марта кам, дегандир.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми вилотатда 21-ўринга тушиб қолган. Чакана савдо, ташвишлидир. Нега деганда, аслида туманининг иқтисодий салоҳияти баянда,

Тақдимот

Кеча халқаро стандартлар ва инсонийлик мезонлари соҳасидаги ЕХХТнинг мажбуриятларида белгиланган барча учун дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг моҳияти, ҳолати ва қўллаш соҳасига оид онлайн тақдимот бўлиб ўтди.

ДИН ЁКИ ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридидаги Дин ишлари бўйича қўмита, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳиднинг юртимизга (2017 йил 2 — 12 октябрь) таширифи доирасидаги таклифлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинган.

Ушбу қўшма қарор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги Фармони ижроси доирасида Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси тасдиқланди. Концепция инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга, Ўзбекистоннинг бирлиги ва яхлитлигини мустаҳкамлашга, унинг ҳудудидо яшовчи миллат ҳамда элларнинг этник-маданият ўзига хослигини сақлашга, жамиятда миллатлараро бағрикенглик, товулик ва тинчликни сақлаб туришга йўналтирилди.

Анжуман давомида ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича катта мааслахатчиси вазифасини бажарувчи Миколай Вжецьковский дин ҳамда эътиқод эркинлиги ҳуқуқига оид тегишли халқаро стандартлар ва ЕХХТнинг

маърифий соҳа фаолиятини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори билан дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш борасида янги тизим жорий этилди. Ушбу тизим доирасида Дин ишлари бўйича қўмитанинг янгиланган асосий вазифалари ва қатор устувор йўналишлар белгиланган.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Ўзбекистонда 16 та турли конфессия бўйича 2275 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Улардан 92 фоизга ёки 2092 таси ислом динига оид ташкилотлардир.

Тадбир якунида мавзу йўналишларида келиб чиқадиган устувор вазифаларни амалга ошириш, бу борада ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

дар. 17 гектар майдонни эгалланган "Garden camp" дам олиш масканининг бор-йўғи 30 фойзидан фойдаланилмоқда, холос. Худудда эко-агро туризмни, тиббий соғломлаштириш тизимини, меҳмон уйлари, тоғ-чанги спорти ва экстремал туризмни ривожлантиришда қўл келадиган "Овжасой" худудиди 500 гектар, "Эртосхой" оқимиди 300 гектар ҳамда Охангарон дарёси бўйидаги "Ақча" худудиди 200 гектар майдондан унумли фойдаланиш борасида ижобий натижалар ҳалигача кўзга ташланаётгани йўқ.

Шунингдек, туман мутасаддилари томонидан таъкид қилинган чорвачилик йўналишида 100 та, бодқорчиликда 20 та, балиқчиликда 17 та, қурилиш материаллари саноати борасида 29 та, озиқ-овқат саноатида 14 та, тўқимачилик саноатида 10 та, чарм-поябзал ишлаб чиқариш соҳасида 6 та, туризм йўналишида 23 та ва бошқа тармоқлар бўйича 78 та турли лойиҳалар ижроси ҳам тўлиқ таъминланмаган.

Туман Кенгаши сессиясида шу ва бошқа қатор муаммолар очик-ойдин таҳлил қилиниб, қатор ташаббуслар илгарги сурилди. Ишонимизки, бу яқин истиқболда камчиликлар бартараф этилишига замин ҳозирлайди.

Шодиёр МУТАҲАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ИЖТИМОЙ НАЗОРАТ – БАҲҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида туб ислохотлар амалга оширилаётган янги босқичга чиқди. Ислохотларнинг муваффақияти кадрларнинг салоҳиятига, кадрларнинг салоҳияти эса таълим-тарбия тизимига боғлиқ. Шунинг учун таълим-тарбия тизимида давр талабидан келиб чиқиб, ёшларга замонавий билимларни берадиган янги ўқув адабиётларини яратиш зарурияти пайдо бўлди.

Таҳлил

Хусусан, шу йил Самарқанд давлат университети тарих факультетининг профессори, тарих фанлари доктори Фарход Набиев Ижтимоий назорат фанидан дарслик яратди. Олий ўқув юртлири талабалари учун илк бор яратилган ушбу дарслик жамият тараққиётининг муҳим шартли бўлган ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган назорат фаолиятига доир билимларни ўзида мужассамлаштирган назарий-амалий йирикнома — қўлланма бўлибди. Унда жамият маънавиятининг қўрулуви дусмани — коррупцияга қарши кураш йўл-йўриқлари ҳақида гап боради. Қўлланмада ижтимоий назоратнинг илмий-назарий ва таъкилий-хуқуқий асослари, уни тақомиллаштиришда мамлакатнинг модернизациялашнинг ўрни, ижтимоий назоратни амалга оширишда давлат ҳокимияти органларининг фаолияти ҳамда ижтимоий назорат баҳқарорлигининг муҳим шартли эканлиги содда тилда ҳаётий мисоллар асосида тушунтирилган. Дарсликда ижтимоий назоратни кенг ва тор маънода, яъни кенг маънода ижтимоий назорат, тор маънода жамоатчилик назорати деб тушуниш мумкинлиги ўқтирилди. Ижтимоий назорат жамоатчилик назоратини ҳам қамраб олади, лекин илмий тадқиқотларда зарурат бўлганда, аниқлик киритиш мақсадида уларни фарқ

қила билиш керак. Жамоатчилик назорати деганда, фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган назорат тушунилади. Ижтимоий назорат деганда эса давлат ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан биргаликда, уйғунликда амалга оширилаётган назорат тушунилади. Ушбу дарсликнинг аҳамияти назорат фаолияти натижасида эришилаётган ижтимоий тартибнинг муҳимлиги билан белгиланади. Ижтимоий тартиб эса нафақат жамият тараққиёти, балки жамият мавжуд бўлишининг асосий шартларидан биридир. Ижтимоий тартибсизлик жамиятда ҳалокатли оқибатларни, ўзини ўзи ҳалок қилиш эҳтимолини келтириб чиқариши мумкин. Онгли мавжудот — инсон ўзини ўзи ҳалок қилиши эҳтимолини "Инсоният тарихи — урушлар тарихи" деган аянчли афоризмининг келиб чиққанлигидан ҳам аниқлаш мумкин. Бундай ачинарли ҳолат юз бермаслиги учун жамиятда муайян бир ижтимоий тартиб ўрнатиш зарур. Жамиятда тартибни сақлаб туриш учун иккита асосий ижтимоий регулятор ўйлаб чиқилган бўлиб, улардан бири ҳуқуқ, иккинчиси ахлоқдир. Одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қиладиган ижтимоий регуляторларга риоя этиш таъминланганлик ҳолатини "ижтимоий тартиб" деган тушунча билан ифодалаш мумкин. Ижтимоий тартиб инсоният учун қанча-

лик муҳим бўлмасин уни таъминлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Шу боис барча замонда донишмандлар қандай қилсак жамиятда тартиб бўлади, деган саволнинг жавобини топишга ҳаракат қилган. Буюк юнон файласуфи Платон ўзининг "Давлат" асарида ушбу саволнинг жавобини қидириб, "Жамиятда тартиб бўлиши учун, жамиятни интеллектуал элита бошқариши керак", деб айтган. Юнон файласуфларидан яна бири Аристотель эса "Сиёсат" асарида "жамиятда тартиб бўлиши учун унда ўрта синф кучли бўлиши зарур", деб ёзди.

Шарқ донишмандлари ушбу саволнинг жавобини жамият аъзоларининг маънавий юксаклигидан қўришган. Конфуций таълимотида ҳам, Шарқ Арастуси деб ном олган Абу Наср Форобий асарларида ҳам ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши маънавий юксаклик билан боғланган. Инсониятнинг ижтимоий тартибни ўрнатиш борасидаги ҳаракатларига қарамаздан ушбу муаммо ҳали-ҳануз ўз ечимини топа олгани йўқ.

Бунинг сабаби, назаримизда, самарасиз назорат фаолияти билан боғлиқдир. Бунда назорат тизими ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрлари бузилганда жазонинг муқаррарлигини таъминлашга қодир бўлмади. Бунинг сабаби эса ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларини бузган одамда пора бериб жазодан қутулиб қолиш имконияти мавжудлигидан. Бошқача айтганда, назоратни амалга ошираётган субъектларга пора бериш имкониятининг борлигидандир. Демак, ижтимоий тартибнинг баҳқарорлигини таъминлашда асосий тўсиқ порахўрлик, яъни унинг оммавий коррупция иллатига айланиб боришидир. Оддий айтганда, бугунги кунда мавжуд бўлган назорат тизимида пора бериб жазодан қутулиб қолиш имконияти мавжудлиги ижтимоий тартибни ўрнатишга тўсиқ бўлмоқда. Бунинг боиси назорат

тизимиде куйидан амалга оширилаётган жамият назоратининг заифлигиде, бунинг сабаби эса жамиятда назорат фаолиятига доир билим етарли эмаслигидир. Ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш учун ўша фаолиятга доир билим кераклиги оддий ҳақиқат. Жамият назоратининг аҳамияти ижтимоий шароитни пора бериб бўлмасликка олиб келиш, жиноятга яраша жазо олишдан қочиб қутулиш имкониятининг йўқлиги, яъни жазонинг муқаррарлигини, ҳаммага бир хил эканлигини таъминлашда кўринадиди.

Назорат тизими коррупцияни тўхтатишга қодир эмаслигининг сабабларидан яна бири бефарқлик кайфияти ҳисобланади. Демак, бугунги кунда коррупцияни тўхтатиш, ижтимоий тартибни ўрнатиш борасида иккита муаммо мавжуд бўлиб, бу назорат фаолиятига доир билимнинг етарли эмаслиги ва бефарқлик кайфиятининг мавжудлигидир.

Мазкур дарсликда эса назорат фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган, бефарқликни жиловлаб, дахлдорлик ҳиссини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Дарслик назорат тизими самарасига тўсиқ бўлган ҳар иккала сабабни, яъни назорат фаолиятига доир билимнинг етарли эмаслиги ва бефарқлик кайфиятини жиловлашга хизмат қилиши билан аҳамият-лидир.

Узоқ йиллар давомида ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши давлат назоратига боғлиқ деб ҳисоблаб келиндик. Лекин тарих шундан гувоҳлик бермоқдаки, фақат



давлат назорати билан ижтимоий тартибни ўрнатиб бўлмайди. Буни шўролар мамлақати раҳбарияти ҳам аниқлаб етиб, жамият назоратини ташкил қилиш учун 1979 йилда "Халқ назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилган эди. Лекин бу қонун асосида ташкил топган Халқ назорати комитетлари жамият назоратини ташкил қила олмади. Чунки ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш учун ўша фаолиятга доир билим керак бўлади. Шўролар замониде эса халқда назоратга доир билим етарли эмас эди, чунки бундай билимни берадиган фанлар ўқитилмасди. Муаммо шундаки, бугунги кунда ҳам жамиятга назорат фаолиятига доир билимнинг комплекс тарзда берадиган бирор-бир фан таълим тизимида ўқитилмайди. Ижтимоий назорат фани ана шундай билимнинг комплекс тарзда берадиган, замон талабидан келиб чиқиб шакланган янги фан ҳисобланади. Ижтимоий тартибнинг ўрнатилишида назорат фаолиятига доир билим билан биргаликда бефарқлик кайфияти жиловлаб, дахлдорлик ҳиссининг шакланганлиги ҳам талаб қилинади. Назоратга доир билим қанчалик муҳим бўлмасин, жамиятда бефарқлик кайфияти мавжуд бўлса,

назорат фаолияти самарали ишламайди. Чунки лоқайд одамнинг миёсидеги назорат фаолиятига доир билим амалиётга татбиқ қилинмай қолиб кетади. Унинг билимидан на ўзига, на жамиятга ва на давлатга бирор фойда бўлади. Бефарқликни жиловлаб, дахлдорлик ҳиссини шаклантириш инсон маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ. Бу эса назорат фаолиятига доир билимнинг шаклантиришдан анча мураккаб ҳисобланади.

Дарсликнинг аҳамияти шундаки, унда маънавиятни юксалтиришга хизмат қиладиган гоғлар мужассамлашган. Маънавиятнинг аҳамияти эса инсонда ички назоратни шаклантириш ҳамда назорат механизмини ҳаракатга келтиришда намоён бўлади. Иборали айтганда, маънавият назорат механизмини ҳаракатга келтирадиган энергия вазифасини баҳқаради. Маънавиятнинг юксаклик даражаси инсон танаси эҳтиёжларининг иродасига бўйсундирилганлик даражаси билан белгиланади.

Бундан хулоса шуки, Ижтимоий назорат фани берадиган билимларни жамиятга кенг татбиқ қилиш бугунги кунда долзарб вазифадир. Ижтимоий назорат давлат учун ҳам, жамият учун ҳам бир хил аҳамиятга эга, чунки ижтимоий назорат берадиган ижтимоий тартибдан давлат ва жамият бир хил манфаатдор. Шундай қилиб, ушбу дарсликнинг ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган, ижтимоий назорат муаммолари ва умуман, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи билан қизиқувчи жамиятшунос олимлар, олий таълим муассасалари талабалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари учун мўлжалланган амалий қўлланмадир, деб айтиш мумкин. Уни амалиётга татбиқ қилиш мамлакатимизда адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган назорат тизimini шаклантиришда муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

А. АСҚАРОВ,
академик.

Кўрик-танлов

РАҒБАТ ИЖОДИЙ ИЗЛНИШГА УНДАЙДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий кўрик-танловининг республика босқичи голибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ижодий лойиҳа Президентимизнинг 2020 йил 27 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Бадий академия, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан "Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилди.

моаллардан 1000 га яқин иш келиб тушди. Танлов қатнашчиларининг энг яхши ижодий ишини аниқлаш учун жамоатчилик иштирокини таъминлаш, ўқувчилар фикрини инобатга олиш мақсадида tanlov2020.uz веб-сайти ишга туширилди ҳамда ижодий ишларнинг барчаси ушбу веб-сайтага жойлаштирилди. 2020 йил 16 — 20 сентябрь кунлари мазкур веб-сайт орқали овоз бериш йўлга қўйилди. Қайд этиш жоизки, ижодий ишлар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурига ҳаммаонглиги билан диққатга сазовордир.



У.А. Сурет.

Танловда ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари, босма нашрлар ҳодимларнинг журналистик ишлари, ОАВ сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика, телевидение ҳамда радио ижодкорларининг материаллари, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари, кино санъати асарлари номинациялари бўйича голиб ҳамда совриндорлар аниқланди. "Энг яхши журналистик материал учун" рағбатлантирувчи номинацияси бўйича ҳам голиблар Эълон қилинди.

Кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари голибларини тақдирлаш маросимлари 2020 йил 25 август — 9 сентябрь кунлари ўтказилди. Республика босқичига ижодий ишлар коронавирус пандемияси сабабли карантин қонидларидан келиб чиқиб, 2020 йил 19 август — 10 сентябрь кунлари tanlov2020@aic.uz электрон почтаси ва @tanlov2020 telegram манзили орқали онлайн шаклда қабул қилинди.

Кўрик-танлов голиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Молия муассасаларида



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиёт таянчи, аҳоли даромадини таъминловчи муҳим восита ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда ушбу тармоққа жиддий эътибор қаратилиб, уларнинг эркин ишлашлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борадаги ишлар, айниқса, кейинги йилларда янада жадаллашди. Бинобарин, тадбиркорларни қийнаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш, имтиёзли шартларда кредитлар ажратиш

амалга оширилаётган ишларнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу жараёнда, табиийки, молия муассасалари ҳам муносиб иштирок этишга интиломоқда. Ўз хизмат ва сармоялари билан аҳоли орасига чуқур кириб боришга ҳаракат қилмоқда. Пойтахтимизда "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилди.

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Хужжат ҳам, мuddат ҳам қисқармоқда

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки юртимиздаги жадал ривожланиб бораётган, аҳолига барча турдаги банк хизматларини тақдим этиб келаётган молия муассасаларидан бири. Банк томонидан карантин шароитига қарамаздан 2020 йилнинг январь — сентябрь ойларида одамларнинг банк кредитларидан фойдаланишини соддалаштириш ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш орқали уларнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида бир қанча янги кредит турлари ва хизматлар амалиётга жорий этилди.

Пировардида, шу давр ичида 108 минг 594 жисмоний шахсга жами 1 триллион 338 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Шундан 131,0 млрд. сўм автокредит, 190,5 млрд. сўм истеъмол кредити, 357,6 млрд. сўм микроқарз, 10,7 млрд. сўм овердрафт, 40,0 млрд. сўм онлайн микроқарз, 2,7 млрд. сўм таълим кредити ҳамда 53,0 млрд. сўм ипотека кредити сифатида тақдим этилган.

Банк томонидан кредит ажратишнинг янги — "Андеррайтинг тизими" ишга туширилган ҳам айна мuddао бўлди. Чунки бу орқали кредит ажратиш босқичи аввалги 5 босқичдан 2 гага, хужжатлар сони 15 тадан 3 гага, кредитни кўриб чиқиш мuddати 10 кундан 1 кунга қисқартирилди. Ушбу кредит тури бўйича 2 минг 873 нафар микроқарз 20,5 млрд. сўм кредит ажратилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг портфелдаги қолдиқи шу йил 1 октябрь ҳолатига 223 минг нафар мижозда 2 277,0 млрд. сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мус давридагига нисбатан 782,1 млрд. сўмга ёки 37 026 нафарга ошган.

Бундан ташқари, 2020 йил давомида 5 та янги чакана кредитлар бўйича продуктлар (онлайн-микроқарз 3 ойлик, онлайн истеъмол, автомобиль ойнаси тусини ўзгариштириш учун, мигрантлар учун, ички туризм ва ташқи туризм) жорий қилинди. Мисол учун, банкнинг "МКВ Mobile" мобил иловаси орқали 1 ойдан 3 ой мuddатгача фойдаланишни назарда тутувчи онлайн микроқарз жорий қилиниши натижасида 2020 йил 9 ой давомида 40,0 млрд. сўм кредит ажратилди. Холбуки, 2019 йилнинг мус даврида 8,8 минг сўм берилган эди.

Президентимизнинг 2019 йил 20 августдаги "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Рес-

публикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини химоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларга микроқарзлар ажратилиши бошланди ҳамда уларнинг 161 нафарига 322,0 млн. сўм микроқарзлар берилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида аҳолига (жисмоний шахсларга) кредитнинг тўлов мажбуриятларини юмшатиш ва енгиллаштириш мақсадида жами 173 минг 786 нафар қарз олувчининг 377,3 млрд. сўмлик қарздорликлари жадалва 6 ой мuddатгача узайтирилди.

Шунингдек, "МКВ-mobile" иловаси орқали (ҳеч қандай хужжатларсиз банкка келмасдан электрон тарзда) онлайн-истеъмол кредити жорий қилинди.

Қолаверса, аҳолини қийнаётган савол ва муаммоларини ўрганган ҳолда чакана кредит хизматлари кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, янги масофавий банк хизмат турларини жорий қилиш, хорижий вазиқлар тажрибаси асосида аниқ режа ва вазифалар ишлаб чиқиш, ахборот технологияларини қўллаб орқали банк хизматлари ҳамда "модулли" кредитлаш асосида янги кредит турларини фаол жорий қилиш, банкнинг mikrocreditbank.uz сайти орқали микроқарз, истеъмол ва автокредитларга онлайн тарзда кредит олиш учун аризаларни онлайн жўнатиш ҳамда бу бўйича қарор хулосасини олиш учун тегишли чоралар қўрилаётганлиги бу борадаги ишлар янада жадаллашшидан далолат.

Ишбилармонлар сафи янада кенгайди

2020 йилнинг 9 ойи давомида барча йўналишда тадбиркорлик субъектларига 3,5 трлн. сўм кредит ажратилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилги (1,4 трлн. сўм) кўрсаткичга нисбатан 2,1 трлн. сўмга ёки 250,0 фоизга ошди.

"Хар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 33 минг 497 нафар фуқаро ҳамда тадбиркорлик субъектига 879,1 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига кўмаклашиш жамғармасидан 21,8 млрд. сўмлик кредит линияси жалб қилиниб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахсларга 18,3 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар тақдим қилинди. 848 нафар тадбиркор аёлга 21,0 млрд. сўм миқдорда кредитлар берилди.

Бундан ташқари, мазкур ишларнинг давоми сифатида йил охирига қадар ижтимоий дастурлар доирасида 252,3 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

Бу тўққиз ой давомида баҳқарилган ишлар. Аммо банк жамоаси бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. Зеро, олдидеги қилинажак ишлар кўп. Истикболли лойиҳалар бисёр. Шундан келиб чиқиб, банк жамоаси томонидан йил якунига қадар Президентимизнинг кўенчилик соҳасини ривожлантириш бўйича янги қарориде белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва кўенлар сонини республика бўйича 5 млн. бошга етказиш, мазкур соҳадаги хўжалик юртувчи субъектлар ҳамда кластерлар иш фаолиятини тизимли ташкил қилиш; барча маблаглар ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига жами 4 059 млрд. сўм кредит ажратиш ва 19 000 та янги иш ўринлари ташкил этилиш; 2020 йил давомида амалга оширилиши белгиланган 105 та лойиҳага 477,5 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратиш ва лойиҳани ишга тушириш чораларини кўриш; кичик бизнес субъектларига "Онлайн скоринг" тизими орқали кредит ажратишнинг амалиётга тўлиқ татбиқ этиш ва уларнинг салмоғини ошириб бориш; банкнинг намунали филиалларда андеррайтерлар хизматидан фойдаланган ҳолда (кредит комиссиялари қарорисиз) кредитлар ажратишнинг жорий қилиш ва самарадорлигини баҳолаган ҳолда филиалларда ташкил қилиш шулар жумласидан. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиғи тармоқларини ривожлантириш тўғрисида"ги мажлиси баёнига мувофиқ, "Микрокредитбанк" АТБ республика миқзода кўенчиликни ривожлантиришга масъул этиб бириктирилган. Мазкур топшириққа асосан, жорий йилда 235 та кўенчилик иختисослаштирилган хўжалик ташкил қилинди, бу соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш учун жами 1 минг 400 мижозга 130,8 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг шу йил май-июнь ойларида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларига ташрифи давомида мазкур вилоятларда кўенлар сонини 1 млн. бошга, республика бўйича 5 млн. бошга етказиш топшириғи берилган эди. Шундан келиб чиқиб, 189 та лойиҳа ташаббускорлари аниқланиб, уларга 311 млрд. сўм кредитлар берилди. Айни пайтда ушбу йўналишда амалий ишларга киришилган. Хусусан, насли қўенларни кўпайтириш мақсадида Россиянинг "Агро Спец Сервис" компанияси билан 5000 бош ҳамда "ВЕСТА" МЧЖ корхонаси билан 38 минг бош зотдор кўен олиб келиш бўйича шартнома имзоланди. Унга мувофиқ, 10 минг бошдан зиёд зотдор кўен Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган "Эко раббит" МЧЖга олиб келинди ва кўенчилик хўжалиқларига кўпайтириш учун етказиб берилмоқда.

Шунингдек, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон ва Фарғона вилоятининг Фарғона туманларида кўенчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида малякли мутахассисларни тайёрлашга иختисослаштирилган ўқув маркази ташкил этилиб, тўлиқ жиҳозланди. Айни пайтда бу ерда кўенчилик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар ўқитилиб, тегишли сертификатлар берилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун "Микрокредитбанк" АТБ томонидан халқимиз ва иқтисодиётимиз учун фойдали бўлган қўллаб-қувватлаш лойиҳаларга кўл урилмоқда. Демак, яқин вақтда мамлакатимизда тадбиркорлар сафи янада кўпайди, жойларда янги иш ўринлари яратилади. Энг асосийси, одамларнинг даромади ортади, турмушига файз ва барака қиради. Бу каби сайёҳаракатлардан кўзланган мақсад ҳам шу аслида.

Банк ахборот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 737 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳқос келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

ISSN 0013-0788

Тадбирчиётга келган қўебмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тадбирчиёт компьютер марказида термиде ҳамда оператор М. Беғмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик ҳажватдан сифатли чоп этилишини "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғафқоров,
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.15 Топширилди — 03.05 1 2 3 4 5 6